

ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ БЎЙИЧА ТАННАРХНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маматқулов Акрам Холмуродович

ТМИ, катта ўқитувчиси

G-mail: mamatkulovakrom850@gmail.com

ORCID: 0000-0002-0529-5042

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: хомашё, ишлаб чиқариш, харажат, таннарх, даромад, пахта қайта ишлаш корхоналари, ишлаб чиқариш ҳисоби, харажатлар ҳисоби, иккиламчи маҳсулот, макроиктисодий барқарор кўрсаткич.

Аннотация

Мақолада пахта қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан юқори макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш масалалари ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Мақола мавзусининг долзарблиги. Жаҳонда пахта саноати- минтақа мамлакатлари иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг таркибидаги пахта қайта ишлаш корхоналари экспортга, тўқимачилик корхоналарига ва ёғ-мой саноатига ҳамда фармацевтика соҳаларига зарур бўлган хом-ашёлари билан таъминлайди. Чунки, пахта қайта ишлаш корхоналарининг асосий вазифаси кишлоқ хўжалигидан пахта хом ашёларини қабул қилиш ва уларни қайта ишлашдан иборат. Шу жумладан тўқимачиликка тола хом-ашёси, ёғ-мой саноатига чигит хом ашёси, кишлоқ хўжалигига уруғлик чигит, фармацевтика соҳаларига зарур бўлган хом-ашёларни ҳамда рақобатбардош ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат. Шунингдек хом ашё ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш корхоналарнинг бозор ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шу билан бирга корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлари самарадорлигини оширишда мавжуд барча ресурслардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тармоқ ва унинг вазифалардан келиб чиқиб, ҳалқаро амалиётда пахта қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш бўйича харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожланиши ва макроиктисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг асосий мақсади ишлаб чиқариш натижасида олинаётган даромадлари билан

макроиқтисодий барқарор даражадаги кўрсаткичларга эришиш. Бунинг учун пахтани қайта ишлаб ҳар хил маҳсулотлар яратиш, уларни сотиб юқори даромадларга эга бўлиш ҳамда “ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усуллари”ни такомиллаштиришдан иборат. Таннархни аниқлаштириш учун ишлаб чиқариш ҳисобининг усулларида кенг фойдаланиш билан тавсифланади ва уларнинг ҳар бири маълум мақсадларга хизмат қилиб, биргаликда ягона тизимни ҳосил қилади. Ҳисоб объектлари унда ёппасига ва узлуксиз ўз аксини топади. Ишлаб чиқариш ҳисобининг усули ҳисобга олинаётган объектларни ўзаро боғланган ҳолда акс эттириш имконини беради ва шу билан айрим ҳодисалар ўртасидаги сабабли боғлиқликни юзага чиқаради. Хўжалик жараёнлари ишлаб чиқариш ҳисобида реал маълумотлар асосида кўрсатилади ва шу билан унинг объективлиги таъминланади. Яъни қайта ишлаш натижасида олинаётган ҳар бир маҳсулотлар бўйича таннархни тўғри шаклланишини белгилайди.

Шунинг учун, ишлаб чиқариш харажатлари орқали шаклланаётган маҳсулот ва ундан келаётган даромад, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Пахтани қайта ишлаш корхоналарининг барча ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш бирга, ишлаб чиқариш харажатлари орқали шаклланаётган даромадлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг технологик, иқтисодий ва ижтимоий омиллари билан бир қаторда табиий-биологик омилларни ҳам ҳисобга олиш имконини беради. Ушбу мезонларга асосланган ҳолда фойда даражасини кўпайтириш ёки харажатларни камайитириш масаласини ҳал этиш зарур бўлади. Бунда харажат усулларни қўллаш яхши самара беради.

Мақола мавзусидаги мавжуд муаммолар. Маълумки, корхонанинг молиявий барқарорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни мақсадли амалга ошириш, даромадлар кўрсаткичларини кўтариш мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланишга бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу ишлаб чиқариш учун қилинаётган харажатлар маҳсулотнинг таннархида ва шаклланаётган даромадида ўз аксини топади. Пахтани қайта ишлаш ва шу каби корхоналарининг асосий фаолияти ишлаб чиқариш бўлганлиги учун харажатларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш харажатларини ташкил қилади. Шу боис ишлаб чиқариш соҳасидаги мавжуд муаммолар, ишлаб чиқариш харажатлари орқали шаклланаётган маҳсулотлардан келаётган даромадлар, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошириш имкониятларини қидириб топиш ва уларни баҳолашда ушбу ҳолатга алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади. Ушбу пахтани қайта ишлаш корхоналарида “пахта хом-ашёси”ни қайта ишлаш натижасида қуйидаги маҳсулотлар олинади: тола, момик, чигит, ўлюк ва пух. Бу маҳсулотлар сотиш учун ўз қийматида эга бўлиши керак. Тола ишлаб чиқариш учун зарур бўлган “пахта хом-ашёси”ни қайта ишлаш харажатлари асосий маҳсулот таннархида қаратилади. Бу ҳисоб-китоб тола маҳсулотининг таннархини ошириб кетишига олиб келади. Ўз-ўзидан савол пайдо бўлади, қолган “момик, чигит, ўлюк ва пух маҳсулотлари таннархи қандай шаклланади?”. Бизнинг ҳозирги пахтани қайта ишлаш корхоналарида тола ва чигит ишлаб чиқаришда катта салмоққа эга бўлиб, корхона даромадининг асосини ташкил этади. Чунки бу маҳсулотлар кейинги саноат яъни қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришда хом-ашёлар вазифасини бажариб, ундан фойдаланиш давомийлиги чексиз. Қолганлари эса, тола ва чигит каби даражада фойдаланиш давомийлиги кўп эмас. Корхонада “пахта хом-ашёси”дан тола ишлаб чиқариш натижасида олинган 5 та турдаги маҳсулотлар таннархини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Мавзудаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш - ҳисоб юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришда, ишлаб чиқариш ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши,

макроиқтисодий барқарор даражадаги кўрсаткичларга эришишида асосий зарурият эканлигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодий адабиётлар таҳлиliga кўра асосан корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга доир умумий методологик усуллар ёритилган. Ишлаб чиқаришдаги харажатлар ҳисобининг назарий муаммолари масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, уларнинг амалий жиҳатдан турли соҳаларга мос келиши ҳисобланади. Айнан ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича тармоқларда алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Ушбу мақолада хориж тажрибасида қўлланилган “Стандарт-кост”(“андозали харажатлар”), “Директ-костинг”(“тезкор ўзгарувчан харажатлар”) тизими ҳамда “Cost accounting system” (Харажатлар тизими ҳисоби) бўйича ишлаб чиқаришни бошқариш усулларида келиб чиқиб, пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масаласи ёритиб берилган.

Иқтисодий адабиётда Р.Д.Дўсмуродов томонидан: «2010- асосий ишлаб чиқариш счётида эса таннарх харажатлари ҳисоби юритилади» деб кўрсатилган.

Иқтисодчи олимлар К.Б.Уразов ва С.В.Воҳидовлар томонидан: «Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот турлари бўйича 2021,2022,2023- асосий ишлаб чиқариш счётида эса таннарх харажатлари ҳисоби юритилади» деб кўрсатилган.

Иқтисодчи олимлар А.А.Хошимов ва А.А.Мажидовлар томонидан: «Ишлаб чиқариш ҳисобидаги харажатлар ҳисоби маҳсулот турлари бўйича амалга оширилади» деб таъкидлайдилар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида мантиқий фикрлаш, гипотеза, абстракт фикрлаш, тизимли ёндашув, иқтисодий-математик хужжатлаштириш, икки ёқлама ёзиш, калькуляция, счётлар тизими, ҳисобот каби усуллар қўлланилди.

Муаммони ҳал қилиш усуллари. Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, энг асосийси ишлаб чиқаришнинг молиявий натижаси бўлган соф фойда ҳамда юқори даромад кўрсаткичларига эришиш учун корхонага тегишли барча харажатлар бўйича маҳсулот таннархини тўғри шакллантиришни тақозо этади. Халқаро амалиётда пахтани қайта ишлаш фаолиятини олиб бораётган корхоналар қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

1. Пахта хом ашёсини ҳарид харажатлари;
2. Тайёрлов харажатлари: иш ҳақи, ижтимоий тўлов, электро энергия, эскириш, таъмирлаш, ёқилғи, транспорт харажатлари, бошқа харажатлар;
3. Қайта ишлаш харажатлари: Хом-ашё, ўров материаллари иш ҳақи, ижтимоий тўлов, электро энергия, эскириш, таъмирлаш, ёқилғи, транспорт харажатлари, бошқа харажатлар;
4. Давр харажатлари;
5. Молиявий харажатлар;
6. Фавқулоддаги харажатлар;
7. Солиқ харажатлари.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлари: Тайёрлов харажатлари ва қайта ишлаш харажатлар жами таннарх (хом ашёсиз) харажатлари ҳисобланади. Бунга хом ашё харажатларини қўшсак олинган маҳсулот таннархи келиб чиқади. Шунинг учун ишлаб чиқариш ҳисобини юритаётганимизда барча ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришдаги харажатлар: маҳсулот ишлаб чиқаришни тайёрлашдан бошлаб уни тайёр маҳсулот ҳолида омборга қабул қилинган давргача

бўлган корхона умумий фаолиятига таъулуқли харажатларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Улар “маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг хусусияти”га қараб ҳар хил бўлади. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнида тола, чигит, линт ҳамда улюк-пух маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари корхонада давр харажатлари, молиявий харажатлар, фавқулоддаги харажатлар ва солиқ харажатлари ҳамда йиғим харажатлари амалга оширилади. Бу харажатлар таннарх харажатлари бўлмасада, лекин ишлаб чиқаришга таъсир этувчи харажатлар ҳисобланади. Чунки соф фойдага таъсирини ўтказди.

Юқоридаги мавзу бўйича муаммоларни ҳал этиш бўйича қуйидаги шартларни амалга ошириш зарурий шартлардан ҳисобланади:

1. Пахтани қайта ишлашдан олинган ҳар бир маҳсулотлар бўйича сарфланган хом-ашёнинг умумий вазнидаги салмоғини аниқлаш;
2. Жами харажатларни олинган ҳар бир маҳсулотларни умумий вазнидаги салмоғига қараб тақсимлаш.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги зарурий шартлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатлари орқали таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича муаллифнинг хулосалари қуйидагича:

- ишлаб чиқаришга сарфланган пахта хом ашёсининг вазни бўйича пахтани қайта ишлаш учун қилинган жами харажатларни ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулотга тўғри тақсимланади.

- ҳар бир маҳсулотни сотиш учун аниқ таннарх шаклланади.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб таклифлари қуйидагича:

- харажатларни тақсимлашда ишлаб чиқаришга сарфланган пахта хом ашёсининг вазни бўйича ҳисоблаш зарур. Чунки ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида пахта хом ашёсини вазни камайиб бораверади. Ишлаб чиқариш якунида олинган ҳар бир маҳсулот вазн ўлчаниши шарт. Ушбу таклифда олинган ҳар бир маҳсулот учун таннарх тўғри шаклланади.

- олинган ҳар бир маҳсулотни сотиб фойдали даромадга эга бўлишлари учун “давр харажатлари, молиявий харажатлар, фавқулоддаги харажатлар, солиқ харажатлари”ни олдиндан прогноз қилган ҳолда, умумийлаштириб ишлаб чиқариш харажатлари каби тақсимлаш зарур. Ушбу таклифда “тола” маҳсулотдан ташқари момик, чигит, ўлюк ва пух иккиламчи бўлган маҳсулотларни ҳам сотиш таннархи белгиланади ҳамда корхона фаолиятининг натижаси ижобий яъни соф фойда кўрсаткичларига эришишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. "Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган, уни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби" тўғрисидаги 54-низоом.
2. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун, БҲМС, БҲХС лари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.
3. Р.Д.Дўсмуродов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик –Тошкент. «Фан ва технология нашриёти» 2013й. -280б.
4. К.Б.Уразов ва С.В.Воҳидов. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. «АДИБ НАШРИЁТИ» Мчж 2011й. -207б.
5. А.А.Хошимов ва А.А.Мажидов. Пахтани тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. « ШАРҚ НАШРИЁТИ» Мчж 2010й. -137б.